Hujjat 2012 y. 17 sentabr holatiga



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# 426 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатураси (2012 йилги версия) қабул қилиниши муносабати билан:

1. 2012 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 10 сентябрь,
ПФ–4470-сон



www.lex.uz

Hujjat 2012 y. 17 sentabr holatiga



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги
ПФ–4470-сонли Фармонига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига киритиладиган ўзгартишлар

1. 1-илованинг иккинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Қимматбаҳо металлар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар; рудалар, концентратлар парчалари ва чиқиндилари; қимматбаҳо табиий тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар; қимматбаҳо табиий тошларнинг чиқиндилари, кукунлари ва рекуператорлари; марварид ва улардан тайёрланган буюмлар, қаҳрабо ва улардан тайёрланган буюмлар | 2843, 3006 400 00 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 7106 — 7115, 7118 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9003 19 000 1, 9021 21 900 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9101, 9111 10 000 0, 9113 10, 9608 10 920 0 ва 960810 990 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9608 30 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9705 00 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангалар), 7116 (фақат марваридлар ва табиий қимматбаҳо тошлардан), 9602 00 000 0 (фақат ишлов берилган қаҳрабо ва ундан тайёрланган буюмлар) |

2. 2-илованинг тўртинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 4. | Хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари | 2709 00, 2710 (2710 12 410 0 — 2710 12 590 0, 2710 19 290 0 бундан мустасно) |

3. 4-илованинг бешинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 5. | Гўшт маҳсулотлари,<br>уй паррандаси гўшти маҳсулотлари* | 0201 — 0210 (0207 53 000 бундан мустасно)<br>0207 53 000 |



www.lex.uz